

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1050-ҳадис

1050 - وَعَنْ مُعاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «الْمُؤْذِنُونَ أَطْوُلُ النَّاسِ أَعْنَاقًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [387]

1050. Муовия розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:
«Муаззинлар қиёмат куни бўйни энг узун одамлар бўлишади», деганларини эшитдим».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бу ҳадисда муаззинларнинг фазли қиёмат куни олий даражада бўлиши ҳақида сўз бормоқда. Улар ҳамманинг ичида алоҳида фазл билан ажралиб турар эканлар. Арабларда аслзода, улуғ кишиларни бўйни узун, деб васф қилиш одати бор.

Муҳаммад умматнинг яна бир шарафи - Аллоҳ таоло бу умматни бошқа умматлардан фарқли ўлароқ, олдинги умматларга ато этмаган буюк бир неъмат билан сийлади, у ҳам бўлса, аzon неъматидир. Дарҳақиқат, азоннинг ва муаззинларнинг фазилати ва шарафини баён этадиган кўплаб ҳадиси шариф ворид бўлган. Аллоҳ таоло бу шарафни бошқа умматларга бермагани ҳақида ҳам бир қатор ҳадиси шарифлар келган.

Аzon айтувчи кишининг фазилатларидан бири унинг аzonини эшитган барча жонзот унга қиёматда гувоҳлик беришидир.

Абу Сайд Худрий розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласидар, Ул Зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Муаззиннинг товушини бирор жин ё инсон ёхуд бирон-бир нарса эшитса, Қиёмат куни албатта у(муаззин)нинг фойдасига гувоҳлик беради”, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Бошқа бир ривоятда эса “Хўлу қуруқ нарсанинг барчаси унинг фойдасига гувоҳлик беради”, дейилган.

Муаззинларнинг фазилатларидан яна бири аzon айтган кишига Аллоҳ таоло берадиган улкан савобга эга бўлишидир.

Азоннинг фазилатларидан бири Аллоҳнинг савобини қўлга киритиш мақсадида баланд овозда айтилишидир.

Баланд овозда айтилишининг ўзига яраша сабаблари бор. Юқорида айтиб ўтилганидек, аzonни эшитган ҳар бир нарса қиёматда гувоҳлик бергани

учун ҳам азон баланд овозда айтилади. Одамлар азон айтишга эришиш учун керак бўлса бир-бири билан талашишга ва ҳатто ким азон айтишини қуръа ташлаб аниқлашга ҳақлидирлар.

Ҳа, азон айтиш инсонлар бир-бирлари билан курашиб бўлса ҳам эришиладиган мана шундай ўта савобли ва суюкли амал ҳисобланади.

Абу Сайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Агар одамлар азон айтишда қандай савоблар борлигини билгандарида эди, унга эришиш мақсадида қўлга қилич кўтариб урушган бўлишарди” (Имом Аҳмад ривояти).

Аслида мусулмон киши ўзининг мусулмон биродари билан қилич кўтариб урушиши мутлақо жоиз бўлмаган нарсадир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аzonнинг савоби нақадар юқори эканини билдириш, бу нарсани зеҳнларга яхшилаб муҳрлаш учун шундай ўхшатиш қилганлар.

Аzonнинг фазилатларидан яна бири уни айтувчи муаззин доимо Аллоҳнинг раҳматига, У зот табарока ва таолонинг ёрдамига сазовор бўлишидир.

Азон айтадиган кишини Аллоҳ таоло ҳар доим қўллаб-қувватлайди. Қайси маконда юрмасин, оёғи қайси маконга бориб етмасин, албатта, Аллоҳнинг раҳмати уни қамраб олади.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Раҳмоннинг қўли муаззиннинг боши узрадир. Муаззиннинг товуши етиб борадиган масофачалик унинг гуноҳлари кечирилади” (Имом Табароний ривояти).

Азон айтишнинг фазилатларидан яна бири - муаззин ҳамма ишонадиган ишончли киши бўлади.

Муаззин умматнинг ишончини оқладиган кишидир. Чунки мусулмонлар рўза тутганида саҳарлик ва ифтор вақтларини ҳамда намоз вақтларини билишда муаззинга суюнадилар. Azon айтилишига қараб оғиз ёпадилар ёки очадилар ё бўлмаса масжидларга фарз намозларига шошиладилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Имом зомин (жавобгар) кишидир. Муаззин омонат топшириладиган кишидир. Аллоҳим, имомларни тўғри йўлга бошла ва муаззинларнинг гуноҳларини кечир” (Имом Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан муаззинлар учун қилинган буюк дуодир.

Аzonнинг фазилатларидан яна бири - муаззиннинг азони туфайли шайтон қочиб кетади.

Жобир розияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деётганларини эшитдим: “Албатта шайтон намозга айтилаётган азонни эшитганида то “Равҳо” деган маконга етиб боргунича қочиб кетади”». (Ровий айтади: “Равҳо” Мадинадан ўттиз олти мил узокликдаги макондир. Бугун у “Роҳат булоғи” деб номланади.)

Имом Нававий: “Azon ўз ичига тавҳид қоидалари, Исломнинг шиорларини изхор этиш, эълон қилишни олгани учун ҳам шайтон инсонларни вассаса қилишдан умидсизланиб қочиб кетади”, деб айтган эканлар.

Муаззинлар бандалар ичида Аллоҳ таоло наздида энг севимлилари ҳисобланадилар.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Агар қасам ичсам, албатта уни үддасидан чиқаман! Шубҳасиз, Аллоҳ таоло бандалари ичидан Аллоҳга энг суюклироғи қуёш ва ойни кузатиб борувчиilar (яъни, муаззинлар)дир. Албатта улар қиёмат куни бўйинлари узунлиги билан танилиб турадилар”, дедилар (Имом Табароний ривояти).

Муаззинларнинг фазилатларидан яна бири - Аллоҳ таолонинг муаззинга бўлган мағфирати батамом (тўлалигича) бўлади. Яъни, товуши тўлдирган бўшлиқлар миқдорича Аллоҳнинг раҳмати унга етади. Ибн Умар розияллоҳу анху айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Муаззиннинг азони кўламича гуноҳлари кечирилади ва уни эшитган хўлу қуруқ нарса у учун истиғфор айтади” (Имом Аҳмад ривояти).

Муаззиннинг фазилатларидан яна бири - агар муаззин Аллоҳ таолодан савоб умид қилиб етти йил аzon айтса, у дўзахдан омонда бўлиши ёзиб қўйилади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Ким етти йил Аллоҳ таолонинг розилигини умид қилиб аzon айтса, унинг дўзахдан озод бўлгани ёзиб қўйилади” (Имом Термизий ривояти).

Муаззиннинг фазилатларидан яна бири - у қиёмат куни барча яралмишдан фарқли ўлароқ алоҳида бир маконда қиёматнинг даҳшатларидан сакланган ҳолда туради.

Муаззиннинг фазилатларидан яна бири - агар у ўн икки йил аzon айтадиган бўлса, унга жаннат вожиб бўлпди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Ким ўн икки йил аzon айтса, унга жаннат вожиб бўлади. Унинг ҳар куни айтган азони учун олтмишта яхшилик ёзиб қўйилади. Ҳар бир айтган иқомаси учун ўттизта яхшилик ёзиб қўйилади” (Ибн Можа ривояти).

Муаззинлар Аллоҳ таолонинг энг яхши кўрган бандадалари ҳисобланади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинади: “Бандалар ичida Аллоҳ таолога энг яхшилари муаззинлардир. Улар Аллоҳнинг зикри учун қуёш, ой ва юлдузларни кузатиб юрадилар” (Имом Табароний ривояти).

Муаззинлар қайси ҳолатда вафот этса, қиёмат куни ўша ҳолатда тирилади. Бошқалар хавф, кўрқув, даҳшатга ўралган ҳолатда бўлса, муаззинлар ўз аzonлари билан банд бўлади.

Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Албатта муаззинлар ва талбия (лаббайка)айтувчиilar қабрларидан муазzin аzon айтган ҳолатида, талбия айтвувчиilar талбия айтган ҳолларида чиқиб келадилар” (Имом Табароний ривояти).

Муаззинлар Қиёмат куни мушки анбардан бўлган бир тепалик устида турадилар. Уларни ҳамма кўради ва ҳар бир киши уларнинг мақомини орзу қилиб қолади. Муаззинлар қиёмат куни бошқалар каби кўрқишимайди, даҳшатга тушишмайди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхума Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар: “Уч тоифа кишилар бор, улар мушки анбардан

бўлган тепалик узра турадилар. Мен қиёмат куни уларни кўриб тураман". Бошқа бир ривоятда, "Уч тоифа кишилар бор, улар мушки анбардан бўлган тепалик узра турадилар. Инсон зотининг олдингилари ҳам, охиргилари ҳам уларни кўриб ҳавас қиласди", дейилган. "Булар Аллоҳнинг ва ўз хожасининг ҳаққини адо этган қул, қавмга имом бўлган ва қавм ундан рози бўлган киши, куну тун беш вақт намоз учун аzon айтган киши" (Имом Аҳмад, Термизий ривояти).

Имом Табароний қилган ривоятда худди шу маънода "Уларни буюк қўрқинч қамраб олмайди ва улар ҳисоб-китоб ҳам қилинмайди, улар то бутун инсоният ҳисоб-китобни бошлигуналарича мушки анбардан бўлган тепалик узра турадилар", дейилган. Имом Табаронийдан ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхума айтдилар: "Агар мен Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан етти бор эшитмаганимда эди, сизларга буни айтиб бермаган бўлар эдим. Мен Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганларини эшитдим: "Уч тоифа бор, улар мушки анбардан бўлган тепалик узра бўладилар. Уларни қўрқинч қамраб олмайди ва барча инсонлар қўрқсанларида улар қўрқмайдилар".

Аллоҳдан савоб умид қилган муаззин шаҳид каби бўлади.

Ибн Умар (розияллоҳу анхума)дан ривоят қилинади, Расуллурроҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: "Аллоҳдан савоб умид қилган муаззин қонларига беланиб турган шаҳид каби бўлади. У Аллоҳ таолодан аzon ва иқомат орасида нима хоҳласа, ўшани дуо қилиб сўрайди" (Имон Табароний ривояти).

Аллоҳ таолодан савоб умид қилган муаззин вафот этганида унинг бадани сакланади, курт емайди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумадан ривоят қилинади, Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Аллоҳ таолодан савоб умид қилган муаззин қонларига беланиб ётган шаҳид кабидир. Вафот этса, қабрида уни курт емайди" (Имом Табароний ривояти) .

Доимо инсонларни ибодатларига уйғотишга, уларни сергак бўлишга ундейдиган муаззин учун Аллоҳ таолонинг улкан мукофоти бор. Бундай муаззин қабрида ҳам тирик бўлади. Аллоҳ таолонинг неъматларини ҳис қилиб тиради, жисми пок бўлади, кирланиб кетмайди, чириб ҳам кетмайди, сасимайди ҳам ва жисми чириши оқибатида келиб чиқадиган қурт-қумурсқалардан ҳам саломат бўлади. Албатта, муаззин бу мукофотларга эришмоғи учун аzonни фақат Аллоҳ таолонинг розилигини, савобини истаган ҳолатда айтган бўлиши керак. Агар муаззин фосиқ, ҳар қандай гуноҳдан тап тортмайдиган, тамагиру такаббур қимса бўлса, айтган аzonидан ҳеч қандай фойда бўлмаслиги мумкин. Чунки бундай қимсалар аzonни ихлос билан айтиши ўта нодир ҳодисадир.

Азоннинг навбатдаги фазилати - у инсонлар учун омонликдир.

Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Агар бирон-бир қишлоқда аzon айтиладиган бўлса, Аллоҳ таоло ўша қишлоқ аҳлини шу куни келадиган азобдан омонда қиласди. Уларга шу куни азоб келмайди" (Имом Табароний ривояти).

Яна бир ривоятда Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Қайси бир

қавмда тонгда азон айтиладиган бўлса, албатта улар то кеч киргунча Аллоҳ таолонинг омонлигида бўладилар. Қайси бир қавмда кечаси азон айтиладиган бўлса, албатта улар то тонг оттиргунларича Аллоҳ таолонинг омонлигида бўладилар”, деганлар (Имом Табароний ривояти).

Азоннинг яна бир фазилати ҳақида Ҳилол ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши Муовия розияллоҳу анҳу мана бундай ҳадис айтаётганини эшитган экан: Муовия розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганларини эшитган экан: “Ким муazzиннинг аzonини эшитиб, унинг сўзларни қайтариб турса, муazzинга қандай савоб берилса, унга ҳам шундай савоб берилади” (Имон Табароний ривояти).

Ким аzonини эшитиб унинг (сўзларини) орқасидан қайтариб турса, унинг ҳар бир ҳарфи учун миллион даража савоб берилади. Бу ҳақида саййидамиз Маймуна онамиздан ҳадис ривоят қилинган. Ўша ҳадис гарчи заиф бўлса ҳам, ҳадис ҳисобланади. Яъни, аzonнинг фазилатини эътироф этишимизга асос бўла олади.

Аzonнинг эътиборга молик жиҳатларидан бири - ким масжидда аzonни эшитганидан кейин бирон узрсиз, масжидга қайтиб келишни ният қилмасдан, масжиддан чиқиб кетадиган бўлса, у мунофиқ ҳисобланади.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Кимга масжидда бўлганида унга аzon етса-ю, бирон-бир ҳожати учун ҳам әмас ва қайтиб келиш мақсади ҳам бўлмай масжиддан чиқиб кетса, у мунофиқдир” (Ибн Можа ривояти).

Манба: hadis.islom.uz

